



MUZEYLAR: AN'ANA, NOVATSIYA VA RENOVATSIYA

XALQARO ILMIIY-AMALIIY ANJUMAN TO'PLAMI



TOSHKENT 2025

КАРИМОВА Дилафрўз Обиджоновна
ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи
Тарих илмий бўлими мудири
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

МУЗЕЙЛАР ХАЗИНАСINI БОЙИТГАН ОЛИМ

Аннотация: Ушбу мақолада таниқли ўзбек археолог олими, академик Аҳмадали Асқаровнинг Ўзбекистон музейларини бойитишига қўшган хиссаси ёритилган. Музейлардаги олим томонидан топирилган ашёлар асосида яратилган экспозициялар ва улардаги ноёб экспонатларга эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: музей, археология, олим, Аҳмадали Асқаров, бронза даври, ёдгорлик, деҳқончилик маданияти, сопол буюмлар, қабр, заргарлик, топилма.

Аннотация: В данной статье освещён вклад известного узбекского археолога, академика Ахмадали Аскарлова в обогащение фондов музеев Узбекистана. Особое внимание уделено экспозициям, созданным на основе переданных ученым артефактов, а также уникальным экспонатам, представленным в этих музеях.

Ключевые слова: музей, археология, ученый, Ахмадали Аскарлов, бронзовый век, памятник, земледельческая культура, керамика, могила, ювелирные украшения, находка.

Annotation: This article highlights the contribution of the renowned Uzbek archaeologist, Academician Akhmadali Askarov, to the enrichment of museum collections in Uzbekistan. Special attention is given to the exhibitions created based on artifacts donated by the scholar, as well as to the unique exhibits displayed in these museums.

Key words: museum, archaeology, scientist, Akhmadali Askarov, bronze Age, monument, agricultural culture, ceramics, grave, jewelry, find.

Ҳар қандай давлат тараккиёт сари интилар экан, доимо тарихга назар ташлаб, мавжуд урф-одатлар, анъаналар ва қадимий ёдгорликларни ўрганишга ва сақлашга интилиши табиий. Айниқса, бу борада музейларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки музейлар ўтмишдан келган тарихий маданият, маърифат, табиат ёдгорликларининг яхлит тизимига солинган йиғиндиси бўлиб амалдаги қонун-қоидага мувофиқ равишда сақланади ва намойиш қилинади [1, – Б. 17-18].

Музейлар тузилиши жиҳатидан икки хил бўлади. Очiq турдаги музейлар ва ёпиқ музейлар. Дастлабки очiq осмон остидаги музейлардан бири "Скансен" оролида жойлашган бўлиб у 1891 йилда Джург Дюркрен томонидан Стокгольмда (Швеция) очилган, унинг номи аксарият Европа тилларида этнографик музейларнинг номига айланди. Очiq турдаги музейлар сирасига мамлакатимиздаги буюк тарихий шаҳарлар очiq осмон остидаги

ёдгорлик-архитектура меъморий иншоотлар киради. Бунга кўхна Бухоро, Самарқанд, Хива, Шахрисабз, Қўқон, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги тарихий меъморий ёдгорликлар, археологик жойлар ва ўтмиш асрларидаги қадимий аҳоли яшаган манзилгоҳ қолдиқларини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Очиқ осмон остидаги музейларнинг ўзига хос томонларидан бири шундаки, улар майдони жиҳатидан турлича бўлади. Бундай турдаги музейларда айрим экспонатларни қўл билан ушлаш, ишлатиб кўриш имкониятининг мавжудлиги туристларга ўтмиш даври тўғрисидаги тасаввурларини янада яқинроқ ҳис қилиш имконини беради. Ушбу муассасалар тарихий ўтмиш ва замонавий дунё ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилади.

Аҳмадали Асқаров узоқ йиллик фаолияти давомида археология соҳаси билан шуғулланиш билан бирга, ёдгорликлардан топилган ашёларни сақлаш ва намойиш этиш масалаларига ҳам бир вақтнинг ўзида жиддий эътибор қаратган ва буни ўзининг Ватан олдидаги маъсулияти, деб билган. Буни Аҳмадали Асқаров томонидан юртимизнинг йирик музейларига топширилган, уларда сақланиб келаётган ва экспозицияларида намойиш этиб келинаётган ашёларнинг мавжудлигида кўриш мумкин. Уларнинг маълум бир неча музейлар мисолида келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий моддий маданият ёдгорликларида ҳар йили археологик қазилмалар жараёнида очилиб, лекин музей экспонатларига айланмай, табиий ёғингарчиликлар туфайли нураб, бузилиб бораётган диний ва дунёвий характердаги монументал меъморий объектлар, уй-жой комплекслари, турли хил хунармандчилик ишлаб чиқариш объектлари, ҳаммомлар, ибодатхона ва масжидлар, шаҳар муҳофаа деворлари, коммунал хўжалик объектлари – сопол қувурлар, канал ва ариқлар тизими ва бошқалар илмий-техник жиҳатдан таъмирланиб, кимёвий реставрация ва консервация усуллари орқали таъмирланиб, кимёвий қотирилиб, тарихий – этнографик музей экспонатларига айланмай, уларнинг йўқ бўлиб кетиши жуда ачинарли ҳол.

1970-йилларнинг ўрталаридан, Самарқанд Археология институти директори бўлиб фаолият олиб борган даврдан алоҳида эътибор қаратган. Бунга Афросиёб қадимги ёдгорлигини ҳамда Регистон ансамблини мисол қилиб келтириш мумкин. Самарқанд шаҳри ҳудудидаги йирик ёдгорлик Афросиёб – археологик объектини очиқ осмон остидаги музейга айлантириш зарурлигини асослаб кўрсата олган. Бу ҳақида олимнинг шахсий архивида мавжуд бўлган ҳужжатларни ўрганиш жараёнида етарли ва асосли маълумотга эга бўлиш мумкин.

Фақатгина 1970 йиллар учун эмас, ҳозирда ҳам моддий маданий меросни сақлаш, таъмирлаш зарурати долзарб масала бўлиб, таъмиршунос мутахассислар ва махсус лаборатория хоналари бўлишликни талаб этади. Янги ташкил этилган Ўз ФА Археология институти таркибида Аҳмадали Асқаровнинг ташаббуси билан археологик объектларни кимёвий қотириш ва консервация қилиш методларини ишлаб чиқиш масалалари билан

шуғулланувчи махсус бўлим ташкил этилган. Ушбу бўлим ҳозиргача ўз фаолиятини самарали давом эттириб келмоқда.

Аҳмадали Асқаров ташаббуси билан Самарқанд ҳудудидаги қадимий Афросиёб шаҳрини “Очиқ осмон остидаги музейга айлантириш” масаласида бир қатор ишлар амалга оширилган. Афросиёб ва республиканинг бошқа ёдгорликларида очиқ осмон остидаги музейни яратиш бўйича самарали иш олиб борадиган кучли ишлаб чиқариш базасига эга илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ёки реставрация институтини яратиш учун қўшимча штат бўлинмалари ва тегишли моддий-техник база муҳим бўлиб, уларсиз ҳар қандай қимматли ғоя қоғозда қолади [2, – Б. 81-88].

Республиканинг энг йирик музейи Ўзбекистон тарихи давлат музейи бўлиб, Аҳмадали Асқаров ўзи раҳбарлигида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида топилган ашёларни ушбу музейга топширган. Олим томонидан топширилган топилмалар таҳлили нафақат Ўзбекистон ҳудуди ёдгорликларида балки, Туркменистон ҳудудидаги дастлабки деҳқон жамоаларининг Номозгоҳ, Анов каби ёдгорликларида олиб борилган экспедициялардаги иштироки натижалари ҳам ушбу музейга топширилган.

Музейга А.Асқаров томонидан жами 1214 та экспонатдан иборат 253 коллекция яратилган. Бугунги кунда музейда Аҳмадали Асқаров тадқиқотлари асосида яратилган экспозициялар мавжуд бўлиб, асосан экспозициянинг “Бронза даврида Ўзбекистон” бўлимидан жой олган. Унда Жанубий Ўзбекистон ҳудудидаги Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари топилмалари ичидаги энг ноёб ашёлар бугун музейда бутун дунё ташрифчиларини хайратга солиб келмоқда. Ўша давр дафн маросимларини акс эттирувчи Жарқўтон ёдгорлигига тегишли аёл киши қабри топилган [6, 7] ҳолати бўйича музейга олиб келинган ва экспозицияда намойиш этиб келинмоқда. Кўплаб сопол буюмлар, давлатчилик рамзи ҳисобланган муҳрлар, бронзадан ясалган зеб-зийнат буюмлари ҳам шулар жумласидандир.

Аҳмадали Асқаров 1983 йилда Жарқўтон ёдгорлиги топилмалари асосида Шеробод археология музейини ташкил этилишида асосий масъулиятни ўз зиммасига олган ва олдига қўйган мақсадига эришган. Чунки, Шеробод ҳудуди бронза ва илк темир даври ёдгорликларга бой бўлиб, ёдгорликлардан чиққан топилмалар Тошкент ва Самарқанддаги йирик музейларга топшириб келинган. У ҳудуд ўқувчи ёшлари пойтахтга музейларни кўриш учун жуда кам ҳолатда ташриф буюришини ангаган ҳолда олим ўша даврдаги давлат раҳбари Ш.Рашидовнинг 1982 йилда Жарқўтон ёдгорлигида олиб борилаётган экспедицияга ташрифи давомида ушбу ҳудуднинг ўзида ўқувчи ёшлар учун музей ташкил этишда амалий ёрдам беришларини сўрайди.

Кундузлари Жарқўтонда қазишмаларни давом эттириш билан бирга, музей қурилиши юклатилган топшириқни ўз вақтида бажариш учун кечалари ҳам ишлашга тўғри келди. 1982 йил октябрь-ноябрь ойларида музей биноси тикланди, декабр ойида музей комплекси майдонининг атрофи металл тўсиқлар билан ўралиб, 1983 йил февраль охиригача майдон турли хил мевали дарахтлар, турли гул кўчатлари экишга тайёр бўлди. Март ойида қурувчилар

охирги ишларини якунлаб, бинони бизга топширди. Самарқанддан атиргул кўчатлари олиб келинди. Бир вақтнинг ўзида, март ва апрель ойлари экспозиция зали, унга тегишли бўлган экспонат шкафлари тайёрланиб, уларга археологик материаллар илмийлик ва тарихийлик тилими асосида жойлаштирилди. 1983 йил 9 май куни Шароф Рашидов Жарқўтон музейи очилишига етиб келди [2, – Б. 113].

1983 йилда олим ташаббуси билан очилган ушбу музей 2010 йилларга келиб қаровсиз ҳолатга кела бошлади. Бу музей маълум вақт Жарқўтон ёдгорлигини ўрганиш учун келган француз ва ўзбек археологларининг илмий баъзаси вазифасини ҳам бажарди. Бироқ, 2020 йилларга келиб, тўлиқ қаровсиз ҳолатга келди. Музейни замонавий жиҳозлар билан бойитиш у ёқда турсин, қайта таъмирлаш ишлари ҳам олиб борилмади. Натижада, музейдаги топилмалар Термиз шаҳрида очилган “Термиз Археология музейи”га кўчирилди.

“Термиз Археология музейи”нинг 2-зали “Сурхон воҳаси бронза ва темир даврида” деб номланиб, ушбу экспозиция залида Аҳмадали Асқаров томонидан ўрганилган Сополлитепа, Жарқўтон ва Кучуктепа ёдгорликларидан топилган археологик ашёлар жой олган. Экспозицияда Жарқўтон ёдгорлиги қабристонидан топилган бир қабр тўлалигича акс эттирилган. Бундай қабр Ўзбекистон тарихи давлат музейига ҳам Аҳмадали асқаров ташаббуси билан олиб келинган ва ҳозиргача музейнинг “Ўзбекистон бронза даврида” номли доимий экспозиция залида намойиш этиб келинмоқда. Бу қабрнинг музей экспозиция залларида намойиш этилиши, ташрифчиларга бронза даври ўтроқ деҳқон жамоаларининг дафн анъаналарини қандай бўлганлигини аниқ тасаввур этиш имконини беради.

Бундан ташқари, “Термиз Археология музейи” ушбу экспозиция залида Аҳмадали Асқаров томонидан Сополлитепа ёдгорлигида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида қўлган киритилган ноёб топилмалар – қурилиш асбоби – андава (**1-расм**) ҳамда хумо қуши (**2-расм**) шаклида ясалган сопол идишнинг маълум қисмлари сақланмаган ҳолатдаги топилма ўрин олган. Сопол буюмлар, зеб-зийнат буюмлари, бронзада камон ўқининг учлари, палаҳмон тошини кўриш мумкин.

Самарқанд давлат музей кўрикхонасида бугунгача Самарқанднинг қадимий ўтмиш тарихидан гувоҳлик берувчи топилмалар мужассамлашган. Бу топилмалар йиғилишида Аҳмадали Асқаровнинг ҳам хиссаси мавжуд. 1970 йилдан олим Самарқандда фаолият бошлаган кезларидан Самарқанддаги бронза даври Мўминобод қабристонидан археологик экспедиция ишларини олиб борган ва экспедиция натижасида топилган ашёлар ушбу музейнинг Археология фондига топширилган. Бундан ташқари шу даврнинг ўзида олим Сурхондарё вилоятидаги Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликларида ҳам экспедиция ташкил этган ва ўзи фаол иштирок этган. Ушбу ёдгорликларда топилган ашёлардан ҳам музей фондига топширган. Уларнинг ичида энг ноёб топилмалар бронза даврига тегишли най Мўминобод қабристонидан топилган.

Бундай топилмалар Ўзбекистоннинг кўплаб музейларига олим томонидан тақдим этиб келинмоқда. Ҳатто, талабалар учун Низомий номидаги

Тошкент давлат педагогика университети қошида “Ўқув археология музейи”ни ташкил этишга ҳам эришди.

Олим ташаббуси билан яратилган “Ўқув археология музейи” ўзбек халқи тарихи ва маданиятининг қадимги тош давридан то сўнгги ўрта асрларга қадар даврини қамраб олган [4].

Ушбу “Ўқув археология музейи”ни ташкил этишдан мақсад, Олий таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичлари талабаларини назарий билимларини музей экспозицияларидаги экспонатлар орқали чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, халқимиз бой маданий мероси намуналарини намойиш этиш орқали ёш авлодни Она-Ватанга, унинг тарихига чексиз ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларни маънавий баркамол кадрлар бўлиб этишишига кўмаклашишдан иборат бўлган.

Тарих билан узвий боғланган музей нафақат тарихий билимларни ўзлаштиришнинг ёрдамчи воситаси, балки ўтмиш тарихимизнинг кўзгусидир. Музей экспонатларининг маънавий ва маърифий ички дунёсига қира олган талабада инсон ботиний дунёсининг руҳий олами озикланади, ватанга бўлган эътиқодини мустаҳкамлайди, одамнинг ички дунёси ва иродасини, иймон-эътиқодини бутун қилади, виждонини кўзғатувчи бекиёс руҳий куч уйғонади [5, – Б. 12]. Мана шу тарихий билимлар, уларни кўргазмали услубларда талабага етказишнинг ўзи истиклол мафқурасининг негизи, манбавий асосидир. Бир сўз билан айтганда, шундай “Ўқув археология музейи” бугунги кун ёш тарихчиларни тайёрлашда зарур бўлган тарихий ўқув масканидир.

Афсуски, бу музей ташкил топгандан бери, расмий ходимларсиз, А.Аскарров ва унинг шогирдлари ҳамда Тарих факультети профессор-ўқитувчилари томонидан ташкилий ишлари, тозалик ишлари олиб борилмоқда. Ушбу музей асосчиси Аҳмадали Аскарров ўзининг вазифаси сифатида, ёш тарихчиларни шакллантиришдаги хиссаси деб билиб, музей масъулиятини ҳозиргача ўз зиммасида сақлаб келмоқда. Бироқ, ушбу музей янада ривожланиши, экспонатлар билан бойиши учун, махсус, расмий масъуллар бириктирилиши мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, музей экспонатлар билан бойиши учун Тарих факультети талабаларини Археология фани дастурлари доирасида Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий ёдгорликларга археологик амалиёт ўташга олиб бориш, талабада тарих илмининг қадимий даврларини ўрганишга хисса қўшиши ва энг муҳими шу талабалар орасидан келажакда Аҳмадали Аскарровдек етук археологларнинг издошлари шаклланишига замин яратилган бўлар эди.

Аҳмадали Аскарровни нафақат тарихчи – археолог сифатида, балки тарихни асраб, келажакка етказган олим сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.



1-расм. Бронза даврига тегишли андава. **2-расм.** Хумо куши шаклида ясалган сопол идиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Toshboyev F.E. *Muzeyshunoslik. Toshkent. "Mahmud Az-Zamaxshariy". 2023. – B. 17-18.*
2. Асқаров А. Мехнат ва курашда тобланган ҳаёт онларим. Тошкент, "Donishmand ziyosi". 2024. – Б. 81-88.
3. Асқаров А. Мехнат ва курашда тобланган ҳаёт онларим. Тошкент, "Donishmand ziyosi". 2024. – Б. 113.
4. <https://telegra.ph/Nizomiy-nomidagi-TDPU-Tarix-fakulteti-qoshidagi-Oquv-arxeologiya-muzeyi-02-05>
5. Асқаров А. Мустақиллик йилларида тарих фанларини ўқитишда инновацион ёндашувлар // «Олий таълимда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг долзарб масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция материаллари. 24 август, 2011 йил. – Б.12.
6. Каримова Д. Ўзбекистон тарихи давлат музейи коллекциясидан бронза даври қабри таҳлили // "Muzeyshunoslik XXI asrda: tadqiqotlar, ananalar va innovatsiyalar" xalqaro ilmiy-amaliy anjuman to'plami. 3-kitob. Toshkent – 2023. – Б. 53-58.
7. Karimova D. Findings of the bronze age Sopollitepa monument preserved in the state history museum of Uzbekistan // International Journal of Education, Social Science & Humanities. Finland Academic Research Science Publishers. 22-08-2023. Finlandiya. (SJIF) = 7.502 Impact factor. <https://doi.org/10.5281/zenodo.8287095>.

МУСАКАЕВА А.А.МОДЕЛИ ВОЗНИКНОВЕНИЯ, ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ДЕНЕЖНЫХ ОТНОШЕНИЙ СОГДА И ЧАЧА В ПЕРИОД АНТИЧНОСТИ	241
BOLTAYEV A.BUXORO TARIXIY VA MADANIY YODGORLIKLARINI SAQLASH JAMIYATINING TASHKIL TOPISHI HAQIDA	252
ДОСПАНОВ О. Т.ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АРХЕОЛОГИЯСИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИДА ЗООМОРФ ТАСВИРЛАР (XII-XX асрлар).....	256
КАРИМОВА Д. О.МУЗЕЙЛАР ХАЗИНАСИНИ БОЙИТГАН ОЛИМ	262
МУХАМЕДОВА М. С.,РАХМАНОВА Л.ИЗУЧЕНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МУЗЕЕВ УЗБЕКИСТАНА В 1980-1990 ГОДАХ.....	268
НОРКОБИЛОВ Т.БРОНЗОВЫЕ ПОДСТАВКИ XII В. ИЗ КАРШИНСКОГО КЛАДА.....	276
KENJAYEV S. N.DAVLAT MUZEYLARIDA TEMURIYLAR DAVRI MUZEY EKSPONATLARINING SAQLANISHI	284
AXMEDJONOV N.A.MADANIY MEROS OBYEKTLARINI MUZEYLASHTIRISH MASALALARI (JIZZAX VILOYATI MISOLIDA)	288
PEREMKULOV J.MUSTAQILLIK YILLARIDA TOSHKENT VILOYATI REKREATSIYA MARKAZLARIDA INFRATUZILMA TARAQQIYOTI.....	295
ТЕМИРОВ Ф.У.МАНҒИТЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИДА БУХОРОДА ЗАРДЎЗЛИК ВА ЗАРГАРЛИК САНЪАТИ.....	301
XOLIQOV N. A.SAMARQAND VILOYATI TURISTIK SALONIYATIDA MUZEYLARNING O'RNI.....	304
XASANOVA N. S.MUZEYSHUNOSLIK TAMOYILLARI: MADANIY MEROSNI TADQIQ QILISH, AMALGA OSHIRISH, SAQLASH VA TARG'IB QILISH.....	308
AXMEDOV J. Z.МОНИР ХУНАРМАНД РАСУЛЖОН МИРЗААХМЕДОВ ИЖОДИГА ШИЗГИЛАР	312
NURULLAYEVA Z. R.MILLIY BOSH KIYIMLARNI TADQIQ ETISH TAMOYILLARI.....	315
BOYMIRZAYEV S.B.XORAZM TARIXI HAQIDA SO'ZLOVCHI ARXEOLGIK TOPILMALAR	320
ҚОРАБОЕВ У. Х.ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ АЛИШЕР АЛИКУЛОВНИНГ ТАРИХИЙ МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР АСАРЛАРИ ҲАҚИДА	325
БЕГАЛИЕВА Д. Э.АРЗХОНА - МЕЪМОРИЙ МЕРОС ЁДГОРЛИГИ.....	329
ESHMATOVA N.QOVUNCHI MADANIYATI VA UNING TOSHKENT VOHASIDAN BOSHQA HUDUDLARGA TARQALISHI	333
КАРИМОВ Э.ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДА САҚЛАНАЁТГАН XIX-XX-АСРЛАРГА ОИД РУС РАССОМЛАРИ ИЖОДИ (И.АЙВАЗОВСКИЙ МИСОЛИДА).....	336
SAFAYEV M. M.NUROTA GILAMLARINING TADQIQI.....	343
JABBAROVA L. T.KURALBAYEVA K. D.ARHITEKTURA OBYEKTLARIDA MUZEYLAR TASHKIL ETISH VA MOSLASHTIRISH JARAYONLARI	347
RASULOVA F.TOSHKENT VOHASIDA SHISHASOZLIK TARIXIDAN.....	351
NASRITDINOVA M.“TOSHKENT” TOPONIMI TALQINIGA DOIR.....	354
IBROXIMOVA A. A.MUZEYGA TASHRIFCHILARNI JALB QILISH VA MADANIY MEROSNI TARG'IB QILISHDA YANGI TEXNOLOGIYALARNING ROLI	359
ТУРАЕВА Н.ФОТОНЕГАТИВЫ КАК ОБЪЕКТ НАУЧНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ И СОХРАНЕНИЯ ИСТОРИЧЕСКОЙ ПАМЯТИ	364